

ОЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Юлдашева Наргиза Эгамбердиевна

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Фарғона филиали

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7426075>

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кўп поғонали кадрлар тайёрлаш тизими Давлат таълим стандарти киритилиши билан цикл ҳамда табиий-илмий фанлар бўйича ўқув-педагогика жараёнига бўлган талабларни анча оширди. Табиий-илмий фанлар бўйича олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига мустаҳкам кириб борди, юқори малакали мутахассисларнинг базавий тайёргарлиги асоси сифатида қарала бошланди. Жисмоний тарбия олий таълим муассасаларида табиий-илмий циклнинг назарий асосларини ўрганиш яқин пайтларгача касбий зарурият деб ҳисобланмаган. Спорт фанининг ривожланиши ва спортчиларнинг улкан ютуқлари бунинг тескарисини тасдиқлаб келди. Ҳозирги пайтда жисмоний тарбия олий ўқув юртларида табиий-илмий фанларни ўқитиш сифатига тааллуқли масалаларни ўрганишга бўлган эҳтиёжининг юзага келиши шунга боғлиқдир.

Олий касбий таълимнинг иккинчи даражаси жисмоний тарбия бакалаврларидан назарий таҳлил ва статистика элементларини тўлиқ эгаллаб олишни талаб қилади. Ҳозирги кунда спортчиларнинг машғулот жараёнида ва умуман, жисмоний тарбия-спорт фаолиятида уларнинг катта аҳамиятга эга эканлигини ҳар бир юқори малакали мутахассис тушунади.

Назарий тайёргарлик фанини ўқитишга ажратилган катта ҳажмдаги ахборот, фаннинг юқори даражада мураккаблиги, талабаларнинг ҳар хил даражадаги тайёргарлиги, шунингдек, жисмоний тарбия олий таълим муассасасасининг ўзига хос хусусиятлари одатий ўқитиш методикасида мутахассисларни сифатли тайёрлаш муаммосини тўлалигича ҳал этишга имкон бермайди[5].

Мутахассисларни янада сифатли тайёрлашга ёрдам берувчи асосий йўللardan бири таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва табақалаштириш ҳисобланади, бу ўқув вазифаларини муайян талабага максимал даражада мўлжаллаб қўллаш деганидир. Бунда талаба фақат ўзи билмайдиган ва бажара олмайдиган нарсага ўрганади ҳамда шу талаба учун ва айти шу шароитларда энг самарали ҳисобланган таълим

методлари ва воситаларидан фойдаланилади. Бунга ўқув дастурини талаба имкониятларига мослаштириш йўли орқали, индивидуал вазифалар ва курслар, ишбилармонлик ўйинлари, мустақил тайёргарлик, муаммоли-мавзувий конспектлар ва ҳ.к. билан ишлаш ёрдамида эришилади. Бунда таълимнинг энг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: “ўқитувчи ўқитади” тизимидан “талаба ўқийди” тизимига қандай ўтиш лозим, билим ва кўникмаларни эгаллашга қандай қилиб қизиқиш уйғотиш зарур, ўқув жараёнини қандай қилиб қувончли ва қизиқарли қилиш керак?

Ушбу муаммони таълим жараёнини индивидуаллаштириш ёрдамида ҳал этиш мумкин. Айнан индивидуаллаштирилган таълим талабаларнинг қобилиятлари ва лаёқатларини намоён этиш ҳамда ривожлантириш учун қулай шарт шароитлар яратади, бу ерда ўқитувчи таълим жараёнини индивидуаллаштиришнинг моҳиятини тушуниши ва англаб етиши зарур.

Индивидуаллаштирилган таълим талабаларнинг типик-индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ҳамда индивидуаллаштириш мақсадларига мос ҳолда уларни қандайдир белгиларга кўра гуруҳларга ажратишни назарда тутати. Талабалар билан индивидуаллаштирилган ҳолда ишлаш учун уларни гуруҳларга бирлаштиришда ўқитувчи ҳақиқатдан келиб чиқиши, яъни ўз ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларининг ҳақиқий даражаси ҳамда ақлий фаолияти сифатлари билан ҳисоблашиши керак. Бундай таълимнинг моҳияти бу турли хил талабалар гуруҳига алоҳида индивидуал ёндашувдир, улар учун ягона ўқув режаси доирасида мазмуни, ҳажми, мураккаблиги ва усуллари бўйича турлича бўлган ўқув ишларини ташкил этишдир[8].

Гуманитар йўналишдаги ОТМлари учун Давлат таълим стандартларига табиий-илмий фанлар блокининг киритилиши ҳаётий эҳтиёж туфайли юзага келган бўлиб, бу кўп бора бир қатор нашрларда муҳокама қилинган.

Табиий-илмий фанлар жисмоний тарбияга ихтисослаштирилган барча олий таълим муассасалари ўқув дастурларига юқори малакали мутахассисларнинг базавий тайёргарлиги асоси сифатида чуқур кириб борган[1].

Спорт фанининг ривожланиши, жисмоний тарбияга жаҳон илмий-техник тараққиётининг жорий этилиши спортчилар ва тренерлар тайёргарлигининг комплекс илмий ва ахборот таъминотига турли соҳа мутахассислари – педагоглар, шифокорлар, биологлар, физиологлар, биомеханиклар, биокимёчилар, социологлар, инженерлар (муҳандислар),

математикларнинг жалб қилинишига ёрдам берди. Замонавий тайёргарлик тизими уни асослаб бериш учун албатта илмий фанларнинг (физика, математика, кибернетика) бир бутун комплексини тақозо этади.

Метрологиялаштириш - бу замонавий фаннинг ўзига хос хусусияти ва инсоният шуни англаб етдики, қачонки билимларни таърифлаш учун махсус яратилган математик моделдан фойдаланиш мумкин бўлса, фақат шундагина билим аниқ бўлади[2].

Ҳозирги замонда математиканинг аҳамиятининг ўсиб бориши шунга олиб келдики, замонавий жамиятга мослашиш ва унда фаол иштирок этиш учун математика бўйича саводли инсон бўлиши керак.

Бир гуруҳ тадқиқотчилар шундай фикрда тўхталадиларки, “назарий билимдонлик”- инсоннинг у яшаётган дунёда билимларнинг аҳамиятини аниқлаб олиш ва тушуниш, яхши асосланган назарий фикр-мулоҳазаларни билдириш ҳамда ҳозир ва келгусида яратувчан, манфаатдор ва фикрловчи жисмоний тарбия ва спорт мутахассисига хос эҳтиёжларни қондира оладиган даражада назарий фикр - мулоҳазаларни билдира олиш қобилиятидир.

Назарий билимдонлик деганда жисмоний тарбия ва спорт мутахассисининг атроф-муҳитда пайдо бўладиган муаммоларни тушуниб етиш қобилияти тушунилади. Назарий билимдонликни ифодаловчи жиҳатлардан бири “математик компетентлилик” ҳисобланади, у энг умумий математик қобилиятлар ва кўникмаларни англатади. Уларга математик мулоҳаза юритиш, ёзма ва оғзаки математик исботлаш, муаммони қўйиш ва ҳал этиш, назарий моделлаштириш, замонавий техника воситаларидан фойдаланиш киради.

Муаммоларни психологик-педагогик контекстда тадқиқ қилишда мутахассиснинг компетентлилиги долзарблик касб этади. Бунини шундай тушунтириш мумкинки, гуманитар таълим барча соҳаларда умуммаданиятли ва компетентли шахсни тайёрлашга қаратилиши керак. Шу сабабли талабаларда назарий компетентлиликни акллантиришнинг педагогик шарт-шароитларни таъминлаш замонавий спорт педагоги иш фаолиятининг зарур қисми ҳисобланади. Афсуски, ўқитувчилар ўқувчиларда назарий билимдонликни шакллантиришга тарлича тайёр эмаслар. Шу сабабли жисмоний тарбия йўналишидаги талабаларнинг касбий-педагогик жараёнда назарий компетентлилигини шакллантиришга тайёрлаш жараёнини йўналтириш ҳамда рағбатлантириш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Компетентлилик учта жиҳатлар йиғиндиси сифатида тасаввур қилинади:

- мавжуд тушуниш, муносабатлар, баҳолашлар маданий образларнинг янада умумий маданий контекстида вазиятни адекват англаб етиш ;
- ушбу вазиятда мақсадлар, меъёрлар, вазифаларни муносиб қўйиш ва самарали бажаришни, вазиятни англаб етиш адекватлиги;
- мулоқот ва ўзаро ҳаракатларнинг тегишли маданий образларини инобатга олиб, маданий контекст вазиятларида ва шу вазиятлар сабаб муносиб мулоқот қилиш.

Мутахассисларнинг тадқиқотларида касбий-педагогик тайёргарлик қўйидаги учта кичик тизимларни ўз ичига олувчи тизим сифатида қаралади:

- 1) назарий, у мутахассисликка кириш, педагогика, психология, тарбиявий ишлар методикаси, махсус фанни ўқитиш методикаси, махсус курслар, махсус семинарларни ўзига жамлаган;
- 2) тадқиқот, у мутахассисликка кириш, педагогика, психология, тарбиявий ишлар методикаси, махсус фанни ўқитиш методикаси, махсус курслар, махсус семинарларни ўз ичига олган;
- 3) амалий, у педагогик амалиётни ўташ, спорт такомиллашуви ишларида қатнашишни ўз ичига олган.

Тадқиқотга тайёргарлик кўриш тадқиқот лабораториялари, илмий-методик семинарлар ишларида иштирок этиш, рефератлар ва курс ишларини бажариш, тўғаракларда маърузалар қилишдан ташкил топади. Амалий тайёргарлик педагогик амалиётни (мактаб ва тренерлик амалиётини) ўташ, спорт такомиллашуви ишларида иштирок этишдан иборат.

1. Жисмоний тарбия ОТМ лари талабаларини тайёрлашнинг энг муҳим томонларидан бири уларнинг назарий компетентлилигининг шакллантирилишидир, чунки таълим ва тарбияга қараб чиқиладиган ҳодисанинг мантиғига мос бўлган ғоялар, қонуниятлар, ҳулосаларни топа олишга қодир бўлган, асосий мақсадни ва асосий педагогик вазифаларни, уларни оптимал ҳал этиш йўллари кўзлаб оладиган педагоггина ўқув-машғулот жараёнини самарали бошқара олиши мумкин[2].

“Назарий компетентлилик” категориясининг мазмуний тавсифларини аниқлашда спорт педагогининг педагогик фаолиятга йўналганлиги, унинг касбий компетентлилиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

“Касбий компетентлилик” тушунчасини тадқиқ қилиш педагогнинг “назарий компетентлилиги” унинг тайёргарлигининг нафақат натижадор даражаси, балки психологик-педагогик билим ва

кўникмаларни эгаллашидир, деб ҳисоблашга имкон беради. Шунинг учун педагогнинг назарий компетентлигининг мазмуний-операцион тизими, фан бўйича назарий билимлар, операциялар бажариш кўникма ва малакаларидан ташқари, зарур далилларни олиш ва уларни узатиш усуллари билиш, математик билим ва кўникмаларни такомиллаштириш малакалари, фанлараро алоқаларни билиш, ўқув-машғулот жараёни технологиясини оптималлаштириш билимлари ва кўникмаларини ўз ичига олади.

Жисмоний тарбия ва спорт мутахассиси компетентлигининг муҳим элементи ўқув ва машғулот жараёнида ахборот моделларини танлай олиш ва улардан фойдалана билиш кўникмаси ҳисобланади.

Адабиёт манбалари мониторинги таҳлили шуни аниқлаб бердики, ҳозирги вақтда жисмоний тарбия олий таълим муассасалари талабаларига ахборотни моделлаштириш элементларини ўқитиш муаммолари тўлалигича ўрганилмаган ва ўз ечимини тақозо этмоқда. Ўқув режаларида кўзда тутилган табиий-илмий фанлар курсларида моделлаштириш элементларига етарлича эътибор қаратилмаган.

Бир қатор мутахассисларнинг фикрича, кўриб чиқиладиган муаммоларнинг мураккаблиги қуйидаги сабабларга боғлиқ: [9]

- ахборот технологияларининг жадал ривожланиши, аппаратли ва дастурий таъминотнинг мунтазам янгиланиб бориши;
- ахборот технологияларининг турли ўқув муассасаларида бир текис жорий қилинмаганлиги;
- турли хил амалий вазифаларни ҳал этишга нисбатан турли-туман ёндашувлар.

Агар қуйидаги шартларга амал қилинса, ахборотни моделлаштиришни ўқитиш анча самарали бўлади:

- вазифалар мазмуни талабаларнинг касбий йўналишига мос бўлса;
- вазифаларни ҳал этиш алгоритмларини ҳаммабоп шаклда қуришга имкон берувчи дастурий таъминот оптимал танлаб олинган бўлса;
- амалий вазифаларни қизиқарли қилиб ифодалашлар ҳамда тегишли баён этиш услуги танланган бўлса.

Жисмоний тарбия йўналишидаги олий таълим муассасаси талабасининг назарий компетентлиги социумдаги қадриятлар, фаолият мотивлари, унинг умумий маданияти ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш қобилияти, ўз ўқувчилари ва тарбияланувчиларининг маънавий дунёсини тушуниш ва унга таъсир кўрсатиш қобилияти, уларни

хурмат қилиш, талабани шахс сифатида идрок этиш билан аниқланади[10].

Мотиватцион –қадриятлар соҳаси педагогик фаолиятни амалга ошириш мотивлари, билимлар йиғиндисини талабаларга бериш ва уни ривожлантиришга йўналтирилганлик, талаба шахсини ривожлантириш, табиий-илмий фанлар соҳасидаги қадриятларни мужассам қилган. У ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини баҳолашни ўз ичига олади.

Педагогнинг назарий компетентлигининг ҳар бир соҳасида тизим яратувчи, асосий элементлар ажратилади. Мотивацион-қадриятлар соҳасида назарий соҳадаги қадриятлар, мазмуний-операцион соҳада эса ўқув жараёнида моделлар билан ишлаш кўникма ва малакалари, рефлексив соҳада ўз-ўзини англаш шундай асосий элементлардан саналади.

Мутахассислар (Зациорский, Годик) назарий компетентлилик ривожланганлигининг учта даражасини ажратишади: юқори, ўрта, паст.

Олимлар фикрича, талабаларда назарий билимдонликнинг шаклланиши босқичма-босқич ўтади: [6]

- 1) ахборот моделларига нисбатан ижобий муносабатнинг шаклланиши;
- 2) назарий компетентлиликнинг мазмуний–операцион соҳасининг шаклланиши;
- 3) ахборот моделлари ёрдамида рефлексив ва назорат –баҳолаш кўникмаларининг шаклланиши.

Табиий-илмий фанлар курсини ўрганишда замин яратган асослар жисмоний тарбия ва спорт соҳасида тадқиқотлар ўтказиш учун яхши асос пайдо қилади .

Жисмоний тарбия факультетида табиий-илмий фанларни ўқитишга бағишланган нашр ишлари мониторинги шуни кўрсатадики, катта ҳажмдаги ахборот, талабалар тайёргарлигининг турли даражаси, ўқув фанининг юқори даражада мураккаблиги, шунингдек, ОТМнинг хусусияти умумий қабул қилинган методика орқали талабаларнинг назарий тайёргарлиги даражасини сифатли оширишга имкон бермайди.

Гуманитар ОТМ да таҳсил олувчилар учун табиий-илмий таълимнинг асосий концепцияларининг ҳал этилмаганлиги тан олинади, бу муаммо натижада ўқитишда самарали ёндашувларни излаб топиш билан чекланади[7].

Қотор илмий ишларда педагогик дастурий воситалар ва улардан фойдаланиш методикаси таклиф қилинган, шунингдек, табиий-илмий

фанларни ўрганишда ўқув жараёнини компьютерлаштириш технологияси ифода этилган[9].

С.Р.Ураимов томонидан бажарилган диссертация тадқиқотида ўсиб келаётган ёки авлоднинг назарий қобилиятлари ҳар томонлама текширилган ва шу асосда таълимни индивидуаллаштириш масалалари ўрганилган[4].

Бугунги кунда яхши назарий тайёргарликсиз ҳеч бир жиддий илмий ва касбий фаолият мумкин эмас. Назарий тайёргарлик замонавий илмий тафаккурни шакллантиришга ёрдам беради, ундан кенг фойдаланиш эса олий касбий таълимни ривожлантириш йўлида янада тараққий этишнинг зарур шarti ҳисобланади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Azizxo'jayeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. (Barcha mutaxassisliklar magistraturasi uchun darslik) Toshkent - 2003-192 b.
2. Tolametov A.A. Sport metrologiyasi // O'quv qo'llanma. T.: Umid Design, 2021.-220b.
3. Tolametov A.A., Mamadjanov N., Sport metrologiyasi [Matn]: O'quv qo'llanma//–Toshkent: «Umid Design», 2022. – 243 b
4. Uraimov S. HARBIY TARBIYA VA JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA YIGITLARNING MOTOR FITNESINING BLOK-MODULAR TIZIMINING O'ZARO ALOQASI //Herald pedagogiki. NaukaiPraktyka. – 2021. – T. 1. – №1.
5. Xankeldiev Sh.X. Talaba yoshlarning jismoniy tayyorgarligining tegishli me'yorlarini qurish metodikasi //ilmiy va amaliy. konf. Toshkent. - 2015. - B. 332-333.
6. Бальсевич В.К., Лубышева Л.И. Информационная культура специалиста как фактор внедрения новых технологий в практику физической культуры и спорта //Теория и практика физической культуры. - Москва, 2001. - №12. - С.18-19.
7. Бойченко С.Д. и др. О некоторых аспектах концепции координации и координационных способностей в физическом воспитании и спортивной тренировке //Теория и практика физической культуры. - Москва, 2003. - №8. - С.15-19.
8. Зайцева В.В., Сонькин В.Д., Изаак С.И. Индивидуальный подход в физическом воспитании и его реализация на основе компьютерных технологий. - Москва.: РГАФК. 1998. - 84 с.
9. Керимов Ф.А. Спорт сохасидаги илмий тадқиқотлар. Ташкент 2004 334 б.
10. Кочарян Ю.Я. Разработка и применение должных норм физической подготовленности учащихся 15-18 лет. Автореф. дисс. канд. наук М. 1990 - 19 с.
11. Begmurzayevich, D. B. (2022). BO 'LAJAK BOSHLANG 'ICH SINF O

‘QITUVCHILARIDA REFLEKSIV MADANIYATNI RIVOJLANTIRISHNING METODOLOGIK ASOSLARI. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(6), 154-160.

12. Egamberdievna, Y. N. (2021). Formation of professional competence of the teacher in working with children in preschool. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 10(1), 141-147.

13. Egamberdievna, Y. N. (2021). IMPROVING THE PEDAGOGICAL COMPETENCE OF THE TEACHER OF PHYSICAL EDUCATION OF THE SECONDARY SPECIAL EDUCATION SYSTEM. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 1(1.5 Pedagogical sciences).

14. Egamberdiyevna, Y. N. (2020). МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАРБИЯЧИСИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РIVOJЛАНТИРИШ ДОЛЗАРБ ПЕДАГОГИК ЗАРУРИЯТ. Педагогика ва психологияда инновациялар, 8(3).

15. Muhammadjonovna, U. N., Makhmutovna, T. H., & Kurbonovich, M. U. (2020). IMPROVING THE MECHANISM OF INCREASING THE SOCIAL ACTIVITY OF YOUNG PEOPLE IN THE DEVELOPMENT OF A DEMOCRATIC AND LEGAL SOCIETY. JCR, 7(12), 3133-3139.

16. Muhammadovna, O. R. N., & Bahodirovich, B. B. (2022). BO’LAJAK TASVIRIY SAN’AT O’QITUVCHILARIDA KASBIY-GRAFIK KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISH DOZARB PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(6), 432-438.

17. SAIDKULOVICH, S. B., & UGLI, T. J. U. The Social Pedagogical Necessity of Developing Students' Aesthetic Culture in the Process of Globalization. International Journal of Innovations in Engineering Research and Technology, 8(1), 75-77.

18. Shermukhammadov, B. (2022). Creativity of a Teacher in an Innovative Educational Environment. Journal of Higher Education Theory and Practice, 22(12), 127.

19. Siddiqov, B. S., & Mexmonaliyev, S. N. (2022). PEDAGOGIK AMALIYOTNING BO’LAJAK O’QITUVCHINING KASBIY TAYYORGARLIK FAOLIYATIDA TUTGAN O’RNI. Academic research in educational sciences, 3(1), 10-16.

20. Tuychieva, I., Aripov, S., Madaminova, D., & Mustaev, R. (2021). THE PEDAGOGICAL SYSTEM OF PREPARING BOYS FOR FAMILY RELATIONSHIPS IN GENERAL SECONDARY SCHOOLS. 湖南大学学报 (自然科学版), 48(8).

21. Urinova, N. M., & Abdullaeva, N. (2021). Opportunities to use project-based teaching technology in the development of students' research competence. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(3), 2344-2348.

22. Абдулазизова, Н. А., & Закирова, Д. С. (2016). VALUE OF DISTANCE LEARNING IN CONTINUING EDUCATION. Учёный XXI века, (12 (25)), 42-45.

23. Ахмедов, Б. А. (2020). Сиддиков Бахтиёр Саидкулович, Джалалов

Бахромжон Бегмурзаевич МОДЕРНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАНИЯ-ОСНОВНОЙ ФАКТОР В ФОРМИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ. Academy, 9, 60.

24. Ахмедов, Б. А., Сиддиков, Б. С., & Джалалов, Б. Б. (2020). МОДЕРНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАНИЯ-ОСНОВНОЙ ФАКТОР В ФОРМИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ. Academy, (9 (60)), 20-22.

25. Сиддиков, Б. С., & Джалалов, Б. Б. (2016). OBJECTIVES OF THE YOUTH ACTIVITY BY TEACHING TRAINING. Учёный XXI века, (6-2 (19)), 41-44.

26. Уринова, Н. М. (2020). ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТЛАРИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ МУЗЕЙ ПЕДАГОГИКАСИ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР. ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ, (SI-2№ 7).

27. Шермухаммадов, Б. (2012). Использование различных методов, форм и средств в воспитании молодежи. Актуальные проблемы современной науки, (5), 80-83.

28. Юлдашева, Н. Э. (2020). Развитие профессиональной компетентности воспитателя дошкольной образовательной организации. International scientific review, (LXXIII), 82-84.

29. Юлдашева, Н. Э. (2022). СОВРЕМЕННАЯ КОНЦЕПЦИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В СИСТЕМЕ ВЫСШИХ СПЕЦИАЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ. INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM, 2(18), 726-732.

30. Юлдашева, Н. Э. MOTIVATIONAL AND NEED-BASED CHARACTERISTICS OF PHYSICAL CULTURE SPECIALISTS. Pedagogika